

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВ
ХОНАЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ТҮҒРИСИДАГИ УМУМИЙ ТЕХНИК
РЕГЛАМЕНТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари ўқув хоналарининг хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари ўқув хоналарининг хавфсизлигига тўғрисидаги умумий техник регламент иловага* мувофиқ тасдиқлансан ва расмий эълон қилинган кундан бошлаб олти ой ўтгач амалга киритилсин.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ техник регламентлар амалга киритилгач, стандартлаштириш бўйича уларда кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларга доир илгари қабул қилинган норматив ҳужжатлар мажбурийлик хусусиятини йўқотиши ва белгиланган тартибда кўлланилишида ихтиёрийлик касб этиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. «Ўзстандарт» агентлиги ваколатли органлар билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Умумий техник регламент амалга киритилган кундан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари ўқув хоналарининг хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларни белгиловчи стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни кўллашда мажбурийлик хусусиятини бекор қилиш ва ихтиёрийликни таъминлаш юзасидан белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўрсинг.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тасдиқланган Умумий техник регламентнинг мақсадлари, мазмуни ва уни кўллаш тартиби тўғрисида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари кенг хабардор қилинишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розуколов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 10 май,
265-сон

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 341-модда)